

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2004 йил 16 ноябрь, № 236 (3511) • Сешанба

Кўлни кўлга беринг

Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Бош ассамблеяси 1995 йилда «Халқаро бағрикенглик тўғрисида декларация» қабул қилган. Унга кўра, БМТга аъзо давлатлар ҳар йили 16 ноябрни Халқаро бағрикенглик куни сифатида нишонлаб келади.

Мамлакатимизда ҳам бу кунни кенг миқёсда нишонлаш аънабанага айланган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди «Ўзбекистон Конституцияси — миллатларо ва динларо бағрикенглик гарови» мавзусидаги давра суҳбати ҳам шу сана муносабати билан уюштирилди. Уни мазкур университет, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганитиш маркази ташкиллаштирди. Давра суҳбатида сўзга чиққанлар юртимизда узоқ ўтмишдан бери турли миллат вакиллари кўлни кўлга бериб, аҳил-иноқ яшаб келатган-

лигини тилга олдилар. Шу билан бирга, миллатларо, динларо, маданиятларо ва тилларо бағрикенглик ўзбек халқига

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни

хос хусусиятлиги алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, Конституциямизнинг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъи на-

зар, қонун олдида тенгдирлар» деб белгилангани ҳам бағрикенглик таъминоти мамлакатимизда қанчалик қарор топганининг ёркин ифодасидир. Давра суҳбатида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровнома натижалари ҳам тақдим этилди. Мамлакатимизда истиқомат қилиб келатган турли миллат вакиллари ўртасида ўтказилган тадқиқот ақунлари ҳам юртимизда тотув ва осойишта ҳаёт барқарорлигини, миллатларо муносабатларда эса ўзаро ҳурмат сақлаиб келатганлигини кўрсатди.

X. ЭШМАНОВ.

26 декабрь

Халқ. Демократия. Сайловлар



Шу кунларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи сайлов округларида сиёсий жараёни фуқароларнинг кенг фаоллиги остида ўтказиша алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мисол учун, пойтахтимиздаги Миробод, Бектемир ва Ҳамза туманлари ҳудудининг бир қисмини қамраб олган 3-Темирийўл сайлов округини олайлик. 112,5 миң сайловчиди бирлаштирган ушбу округ сайлов комиссиясида сайловга оид қонун ва қўлланмалар муҳайё этилган. Шунингдек, бу ерга таъриф буюрган фуқаролар сайловчилар бурҷағидаги газета, журналлар билан ҳам ақиндан танишиб, сайлов ҳақидаги тушунчаларини оширишмоқда. Зеро, сайловнинг демократик тамойиллар асосида ўтиши сайловчиларнинг фаоллигига боғлиқ экан, уларнинг парламент кўйи палатаси депутатлигига курсатилмажак номзодлар орасидан энг муносибни танлай олишида сайлов округлари ва участкаларида яратилаётган бундай шарт-шароит, савй-ҳаракатлар жуда-жуда зарур.

СУРАТДА: 3-Темирийўл округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Гофур Зокиров бу ерга келган сайловчилар — Шухрат Бахромов ва Галина Ситникова билан сайлов қонунчилиги ҳақида суҳбатлашмоқда.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху! Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва ўз номимдан самимий табрик ва қалб тилақларини изҳор этишдан бағоят мамнунман.

Ушбу саодатли айёмда қодир Аллоҳдан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик, бутун ислом умматига муваффақият, тинчлик ва қут-баракат ато этишини сўраб қоламан.

Энг эзгу истак ва юксак эҳтиром ила, Биродарингиз

Фаҳд бин Абдулазиз Ас-САУД,
Ички муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху! Қутлуг Рамазон ҳайити кунларида Сиз, Жаноби Олийларига сидқидилдан биродарона эзгу истақларимни йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.

Ушбу қувончли айёмда Аллоҳ таоладан Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига бундай саодатли онларни ривож ва муваффақиятлар ила тақдор этиши ҳамда ислом умматига юксалиш ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Қамоли эҳтиром ила,
Биродарингиз

Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ас-САУД,
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валлоҳи,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
Миллий гвардия қўмондонни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунлигимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқи ҳамда бутун мусулмон умматига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Энг эзгу тилак ва юксак эҳтиром ила,

Муҳаммад Хусний МУБОРАҚ,
Миср Араб Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу истақларимни изҳор этишдан бағоят бахтиёрман.

Аллоҳ аза ва жалладан Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига осойишталик ва равнақ, ислом умматига қут-баракат ато этишини сўраб қоламан.

Қобус бин САИД,
Уммон Султонни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Саодатли Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига Афғонистон халқининг энг самимий табрикларини изҳор этаман.

Юртингизга ушбу байрам хурсандчилиги ва шодлик олиб келишига умид билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзимнинг оташин саломларимни йўллаб, Сизга сиҳат-саломатлик, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилаб қоламан.

Ҳамид ҚАРЗАЙ,
Афғонистон Ўттиш Ислоҳ Давлати Президенти.

Шунингдек, Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Мали Республикаси Президенти Амаду Тумани Туре, Ингушетия Президенти Мурат Магомедович Зязиков, Кувайт Давлати Вахиди шайх Саад Абдуллоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Вазирлар Маҳкамасининг раисини ўринбосари Султон бин Абдулазиз Ас-Сауд, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкilotи Бош директори Жак Диуф ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.

ШУ СОНГА ХАБАР

Бошқирдистонда таққиланган «Хизб-ут-Тахрир ал Исломиий» партиясининг экстремистик руҳдаги варақаларини тарқатгани учун 16 нафар шахс қўлга олинди

«Интерфакс», 15 ноябрь. Бошқирдистоннинг Поволжье шаҳрида таққиланган «Хизб-ут-Тахрир ал Исломиий» экстремистик партияси фаолияти тўғрисида варақалар ва даъват этувчи адабиётларни тарқатувчи 16 нафар шахс қўлга олинди.

Бошқирдистон Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг «Интерфакс» агентлигига маълумот беришича, варақа ва турли адабиётларни тарқатувчи шахслар яшанба кунни аниқланиб, қўлга туширилган. Фаолияти таққиланган партиянинг 12 нафар фаоли Уфа шаҳрида, икитаси Октябрь шаҳрида, бир нафардан Сибай ва Туймазида ушланди. Қўлга олинганлар ёнидан экстремистик руҳдаги ўнлаб брошюралар ва юзлаб варақалар чиқди.

Евроосиёда ягона ислом халифалигини қуришни мақсад қилиб қўйган ушбу ноқонуний партия фаолияти Россия Федерацияси Олий судининг 2003 йилдаги қарорига биноан таққиланган. Шунингдек, матбуот хизмати хабар беришича, МДХнинг барча мамлакатларида ҳам ушбу ташкilotда иштирок этиш ноқонуний ҳисобланади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Битим имзоланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Битимга мувофиқ, томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси фуқароларининг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида икки мамлакатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ҳамкорлик қиладилар. Хусусан, бу ҳамкорлик инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини кучайтиришга, давлат, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар томонидан мазкур ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этилишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Табиики, бу битим халқаро ҳуқуқнинг умумэтароф этилган принципи ва нормалари асосида икки давлат фуқаролари манфаатлари устуворлигини назарда тутиб амалга оширилди.

Ўз мухбиримиз.

Ёш сайловчилар клуби

Жиззахда икки палатали парламентга сайловлар олдида ёш сайловчилар клуби иш бошлади. Клуб аъзолари асосан биринчи бор сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ёшлардир. Ҳуқуқшунослар, вилоят сайлов комиссиясининг матбуот маркази ходимлари иштирокида ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатларида ёшлар сайлов-

лар моҳияти, сайловчи ҳуқуқи ва бошқа бир қатор масалаларда ўзларни қизиқтираётган саволларга муфассал жавоб олаётгилар.

Бу йил вилоятда 500 миң нафар сайловчи мумкин сиёсий тадбирда иштирок этади. Уларнинг 33 миң нафардан зиёдини биринчи бор овоз бераётган ёшлар ташкил этади. «Туркистон-пресс».

ҚИШ ОСТОНА ҲАТЛАЯПТИ

Фарғонада эса ана шу долзарб мавсумга тайёргарлик ишлари ўлда-жўлда

Аёзли қиш йилдан-йилга оғир, мураккаб даражада ўтишига фарғоналиклар анча кўниқиб қолишди. Чунки ҳар йили кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик кўриши, уни талафотсиз ўтказиш учун тадбирлар белгиланади, ишчи гуруҳлари тузилади. Йиғилишлар ўтказилади. Аҳвол эса ўнгламаяпти: эски тос, эски ҳаммом.

Шу боис бу йилги кузги-қишқи мавсумга анча илгари, март ойининг ўрталарида киришилди. Вилоят ҳокимлигининг «2004-2005 йил куз-қиш даврида вилоят иқтисодиёти тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга асосан, қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларини таъмирлаш учун вилоят бюджетидан 215 миллион сўм маблағ ажратилди.

Афсуски, баҳорда шиддат билан бошланган ишлар ёзда анча сўниб қол-

ди, кузга келиб, яъни қиш остона ҳатлаб турган пайтда эса ҳамма юмушлар ўлда-жўлда, қўл учида бажарилганлиги юзага чиқди-қолди. Энг ачинарлиси, совуқ кунлар бошланганда, «Касалхона, болалар боғчалари, мак-

табларни иссиқлик тармоқларидан узиб қўйиб таъмирлашнинг имкони йўқ» деб елка қисиб турган раҳбарларга нима дейиш мумкин?

Вилоят бўйича асосий манба билан боғлиқ 42 километрик иссиқлик тармоқларини мукаммал таъмирлаш кўзда тутилган, бу мумкин ишчи куз кирмасдан тугаллаб белгиланган эди. Бирок ҳалигача 6 километр масофадаги иссиқлик тармоқларига қўл урилмаган.

Қишлоғва асосий жавобгар вилоят коммунал фойдаланиш тизими бўйича эса бу борадаги топшириқ эндигина 63

фоизга бажарилди. Газ тармоқларини мукаммал таъмирлаш ишлари ҳам мақтанарли эмас. Куз охирида қолганига қарамай, мукаммал таъмирлашни лозим бўлган 83 километрик газ тармоқларининг атиги 56 километ-

лик тармоқларини қандай баҳолаш мумкин?

Энди мана бу далилларга эътибор беринг. Қозонхоналарни таъмирлаш топшириги Фарғона шаҳрида 80 фоизга, Фарғона туманида 67 фоизга бажарилган бўлса, иссиқ-

лик тармоқларини синовдан ўтказиш Фарғона, Бағдод, Езёвон туманларида 50 фоизга ҳам удаланмаган.

Бундан ташқари, республика ҳукуматининг бевосита ёрдами билан бундан 10-15 йил аввал қурилган 579 та қўп қаватли уйни 2006 йилгача тўла таъмирдан чиқариш учун чора-тадбирлар белгиланган эди. Ушбу мақсадда фақат шу йилнинг ўзида 158 та уйни тўла таъмирлашдан чиқариш учун 1 миллиард 285 миллион сўм маблағ ажратилди. Қўп ҳолларда муаммолар ҳақида гап кетса, маблағ етишмаслиги баҳона

лиқ тармоқларини синовдан ўтказиш Фарғона, Бағдод, Езёвон туманларида 50 фоизга ҳам удаланмаган.

Бундан ташқари, республика ҳукуматининг бевосита ёрдами билан бундан 10-15 йил аввал қурилган 579 та қўп қаватли уйни 2006 йилгача тўла таъмирдан чиқариш учун чора-тадбирлар белгиланган эди. Ушбу мақсадда фақат шу йилнинг ўзида 158 та уйни тўла таъмирлашдан чиқариш учун 1 миллиард 285 миллион сўм маблағ ажратилди. Қўп ҳолларда муаммолар ҳақида гап кетса, маблағ етишмаслиги баҳона

Янгиликлар

Осиё тараққиёт банки кўмаги

Вобент қишлоқ хўжалик коллежи замонавий қишлоқ хўжалик техникаси, усқунлар ва идора мебели билан жиҳозланди. Бунинг учун «Ўрта махсус таълимни ривожлантириш» дастури доирасида Осиё Тараққиёт банки томонидан маблағ ажратилди.

Бу, шубҳасиз, билим даргоҳида ўқитиш сифатини яхшилаш ва мутахассислар тайёрлашга ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Шунингдек, коллеж қошида ўрта махсус ўқув юртлири ўқитувчилари иштирокида республика семинар-тренингини ҳам бўлиб ўтди. Бир ҳафта давомидида ўқитувчилар вобентлик ҳамкасблари билан жаҳон стандартлари асосида аргументлар тайёрлаш борасида тажриба алмашдилар.

Асатилло ҚУДРАТОВ,
«Туркистон-пресс».

Сайёҳларга қулай бўлсин деб

Қадимий ва ҳаммаша навқирон Бухорои шариф ўзининг бой маданият ёдгорлиқлари, буюк қадимқолаҳи билан жаҳонга машҳур. Шу боис ҳам қишин-ёзн бу ердан саёҳатчиларнинг қадамлари узилмайдди. Айни кунларда шаҳарда қурилаётган Марко Поло Марказий Осиё тарашли уюшмасига қарашли меҳмонхона шаҳарга таъриф буюраётган сайёҳларга қулайлик яратяди.

«Осиё-Бухоро иншооти» деб номланган ушбу меҳмонхона қурилишини «2-Бухоро жамоатчилиги» бирлашмаси бунёдкорлари бир йил ичида ақунлашни режалаштирганлар.

«Туркистон-пресс».

Қишлоқ чевари

Ишлашнинг истаган имкон, истамаган баҳона топади, дейдилар. Китоб туманининг Обиғанда қишлоғида яшайдиган Салимаҳон Эргашева дастлаб уч-тўрт қишлоқ аёлни йиғиб тикувчилик чеҳи очди. Сўнг бу ерда кийим-кечаклардан ташқари, замонавий пардалар тикишни, зардузлик ва дўппичиликни йўлга қўйди. Салимаҳон чеварининг доверуги туманда ўтказилган «Маҳаллалар куни» тадбиридаги чиқишидан сўнг вилоятда отиб келди.

Ўз мухбиримиз.

Сеулда иш ташлаш

Жанубий Кореяда давлат хизматчилари иш ташлаш эълон қилишди. Улар ҳукуматдан норозилик намоишларида чиқиш ҳуқуқини чеклашнинг талаб қилишди...

Жанубий Корея ички ишлар вазирилик вакилининг баёнот беришича, намоишда қатнашганлар ўз ишларидан айрилиб қолишлари мумкин...

Сайловлар

Кечиктирилиши мумкин

Ироқ бош вазири ўринбосари Баҳром Солиҳ келаси йил январь ойига режалаштирилган сайловлар жағраишларининг давом эттирилганлиги тўғрисида маълумот берди...

Ҳукуматга чақирик

Испанияда фаолияти тақиқланган «Батасуна» басқарлар партияси етакчиси ҳукуматни тинчлик музокара-ларини бошлашга чақирди.

Бирок ўз қишида Арналдо Отеги ўз партиясининг бир қаноти саналган ҳарбийлашган ЭТА гуруҳининг террорчилик ҳаракатларини тўхтатиши ҳақида ҳеч нарса демасди.

Бош Вазир масжидда таъриф буюрди

Нидерландия бош вазири Ян Петер муслмонларга ўз хайрихоҳлик белгиси сифатида Эйнховен шаҳридаги масжидга таъриф буюрди. Бир неча кун олдин бу ерда муслмонларга қарши кайфиятдаги бир неча шахс томонидан 20 га яқин масжидга ҳужумлар уюштирилган...

Элчихона ўққа тутилди

Бағдодда Польша элчихонасига ҳужум уюштирилди. Польша ташқи ишлар вазирилик матбуот котибининг сўзларига қараганда, тахминан 15 жангари элчихона биносини ўққа тутган.

Малика турмушга чиқмоқчи

Япония маликаси, император Акихитонинг 35 ёшли қизи Саёко 39 ёшли оддий давлат хизматчиси Иосики Куродага турмушга чиқмоқда. Император хонадон бошқаруви вакилининг маълум қилишича, бўлажак қизининг ота-онаси никоҳга рози бўлган, расмий ҳужжатлар эса тайёрланмоқда.

Мамлакатимизнинг Қоҳирадаги элчихонасида «Ўзбекистонда парламент ва маҳаллий қонунчилик органларида сайловлар» мавзусида дарах суҳбати бўлиб ўтди. Унда Миср парламенти депутатлари, сиёсатшунослар, дипломатик корпус ва жамотчилик вакиллари...

ни, сайлов қончилигига қиритилган ва қонун чикарувчи ҳокимият тизимига жорий этилган ўзгаришлар кенгаши раиси Мухаммад ал-Фауимий ёш давлатнинг шаклланиш жараёни одатда қийинчиликлар билан кечишига қарама-қарши...

Хабарингиз бор, Ёсир Арофатнинг ўлими билан боғлиқ воқеалар, мана бир неча кундирки, жаҳон оммавий ахборот воситалари эътиборида турибди. Арофатнинг ўрнига ҳокимиятга ким келиши ҳамма кизиктирмакда. Мухториятда ҳукумат учун аллақачон шиддатли кураш бошланиб кетди. Бу курашлар Арофатнинг ўлимига қадар яшириш ҳолда кечганлиги табиий...

АРОФАТНИНГ ВОРИСЛАРИ



Хабарингиз бор, Ёсир Арофатнинг ўлими билан боғлиқ воқеалар, мана бир неча кундирки, жаҳон оммавий ахборот воситалари эътиборида турибди. Арофатнинг ўрнига ҳокимиятга ким келиши ҳамма кизиктирмакда. Мухториятда ҳукумат учун аллақачон шиддатли кураш бошланиб кетди...

Харакатининг халқаро муносабатлар бўйича бўлимини бошқарди. Бугунги кунда араблар дунёсида катта маънавияга эга бўлган шахслар — давлат раҳбарларидан тортиб, разведка хизмати бошлиқларигача у билан яқин таниш. Фаластиндаги радиоканал гуруҳлар Аббосни унчалик хушлашмайди. У бир неча бир исроилликларга қарши ўтказилган ҳарбий акцияларни тўхтатишга муваффақ бўлган.

ОЛАМ НАФАСИ Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Энг зарур дору яратилди

Яқин кунларда дори-дармон бозорига кескин ўзгаришларга олиб келувчи дори пайдо бўлиши мумкин. Янги таблетка семирिश касаллигини даволайди ва чекишни ташлашда ёрдам беради. Бундан ташқари, олимларнинг таъкидлашича, бу препарат ёрдамида гиёҳвандлик ва ичкиликбозликни ҳам даволаш мумкин.

Таффақури ила дунёни забт этиб...

ка ҳақон олимлари ҳид билиш механизмининг барча тафсилотларини деҳабар эдилар. Нима учун одамлар ва сўт эмизувчилар сиб этди. Дадид Гросс, Дэвид Полтэри ва Френк Вильчек 70-йилларда дунёнинг тузилиш асосини тадқиқ этишган эди.

Исроилда чоп этиладиган «Маарив» газетасида хайратланарли хабар босилди. Унда айтилишича, Арофат ўлимидан олдин ўз ўрнини 73 ёшли Фарук Каддумига васият қилиб қолдирган эмиш. Аммо бу гап ҳозиргача тасдиқланмади.

ABU RAYHON BERUNIY NOMLI TOHKENT DAVLAT TEXNIKA UNIVERSITETI. Қуйидаги ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ДОКТОРАНТУРА ВА АСПИРАНТУРАГА КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Докторантура 05.17.08 — Кимё технологиясининг усқуналари ва жараёнлари. Аспирантура 01.04.04 — Физика электроникаси. 01.04.10 — Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси. 04.00.06 — Гидроэкология. 04.00.22 — Геофизика. 05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик (тармоқлар бўйича). 05.02.08 — Машинасозлик технологияси. 05.03.05 — Босим билан ишлов бериш жараёнлари ва машиналари. 05.03.06 — Павандаш ишлаб чиқариш технологияси ва машиналари. 05.09.05 — Назарий электротехника. 05.11.13 — Табиий муҳит, моддалар, материаллар ва буомларни текшириш асбоблари ва усқуналари. 05.13.01 — Техник тизимларда бошқарув. 05.13.05 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг қисмлари ва қурилмалари. 05.13.07 — Технологик жараён ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш. 05.13.13 — Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлари ва тармоқлари. 05.13.16 — Илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини, математик моделлаштириш ва математик усқуналарни қўллаш. 05.14.02 — Электр станциялар, электро-энергетика тармоқлари ва уларни бошқариш. 05.14.04 — Саноат исиклик энергетикаси. 05.14.10 — Гидроэлектр станциялар ва гидроэнергетик қурилмалар. 05.15.01 — Маркшейдерия. 05.15.06 — Нефть ва газ конларини ишга солиш ва улардан фойдаланиш. 05.17.08 — Кимё технологияси усқуналари ва жараёнлари. 05.20.04 — Кишлоқ ҳўжалиқ ва сув ҳўжалиғи машиналари. 05.21.03 — Ёгончи кимёвий қайта ишлаш технологияси ва қурилмалари. 07.00.02 — Ўзбекистон тарихи. 08.00.01 — Иктисодий назария. 08.00.04 — Микроиктисодиёт. 09.00.03 — Фалсафа тарихи. Докторантура ва аспирантурага кирувчилардан яриза ва ҳужжатлар шу йилнинг 26 ноябригача қабул қилинади. Бошқа шахардан келганлар доктрантура ва аспирантурага қабул қилингандан кейин ётоқхона билан таъминланадилар. Маълумот олиш учун аспирантура бўлимига: Тошкент ш., Талабалар ҳўжарчаси, ТошДТУнинг бош биноси, 413-хонага мурожаат қилинг. Телефон: 118-99-17.

ЧЕМПИОНАТ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА. Яна бир турдан сўнг футбол бўйича мамлакат XIII миллий чемпионати ўз ниҳоясига етди. Утган шанба кuni чемпионатда 25-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мавсум бошидан буён пешқадамлик қилиб келадиган «Пахтакор» мавсум якунида ҳам ўз муҳлислари ишончини оқлади. Аммо тўғрисида ай-тиш керак, ушбу мавсум Тачмурод Ага-муродов шо-гирдлари учун энгил бўлмади. Улар Осие чемпионлар лигаси, миллий чемпионат, Ўзбекистон Кубоги каби уч фронгда кураш олиб боришди. Шунингдек, миллий тарма жамоамиз таркибининг ўзағини «Пахтакор» ўйинчилари ташкил этди. Шунга қарамай, «Пахтакор» ўз олдига қўйган максдаги деярли эришти, деб бемалол айтиш мумкин. Ўзбекистон Кубоги қўлга киритилди, чемпионлик ўтган турдаёқ ҳал қилиб қўйилди. Осиё чемпионлар лигасида ярим финалгача етиб келишти. «Пахтакор» ушбу турда меконда «Самарқанд-Динамо» жамоасига қарши майдонга тушти. Учрашузда эришилган натижа пойтахтликлар учун аҳамиятли бўлмаса-да, улар майдонда катта устунлик билан ҳаракат қилишти. А. Алиқулов ва В. Понамарёвлар томонидан киритилган голларга майдон эгалари ҳужумчиси Х. Раҳмонов битта тўп билан жавоб қайтарди. Ушбу маълумиятдан сўнг Самарқанд вилоятининг миллий чемпионати миздаги ягона вакили олий лига билан деярли хайрлашти. Фарғонанинг «Нефчи» жамоаси Зарафшонда «Кизилкум» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, қумуш медални нақд қилиб қўйди. Чемпионатнинг бронза медалини ўз майдонда «Андижон» ни йрик — 5:0 ҳисобида энгган «Навбахор» футболчилари қўлга киритиши аниқ бўлиб қолди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Локомотив» — 5:1, «Сўғдиёна» — «Машъал» — 1:3, «Бухоро» — «Металлург» — 2:0, «Трактор» — «Сурхон» — 2:1. Чемпионатнинг сўнги тури учрашувлари 20 ноябрда бўлиб ўтди. Зиндулла ЖОНИБЕКОВ

БИЗНИНГ ЁРДАМИМИЗ БИПАН ЎЗ БИЗНЕСИНГНИ БОШПА ЧОП ЭТИШ УСКУНАЛАРИ. ОФИС УЧУН, НУСХА ОЛИШ МАРКАЗЛАРИ УЧУН, БОСМАХОНАЛАР УЧУН. қулай + ишончли + тежамли 137-68-03. Эсда тутинг, замонавий технологияларни қўллаш сизнинг пулларингизни тежайди! КАФОЛАТ ТЕХНИК КўМАК САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ҚОҒОЗ. ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ КўМИТАСИ. АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ. 2005 йил манзил рўйхатида киритилиши режалаштирилган қўйидаги иншоотга нудратчи ташкилотни танлов бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: Андижон шаҳри мўҳандислик-иктисодиёт институти қошидаги 600/200 усқури ўрнига мўлжалланган академик лицей қурилиши. Бюортмачи — Академик лицейлар қурилиши республика инжиниринг компанияси (Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76-уй. Телефон: (371) 118-91-84). Қурилиш ишларини молиялаштириш 2005 йил манзил рўйхатида асосан давлат бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предвџетининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг эки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк мақолатномасига, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мажбурийлигига, етарли касбий ва техниквий талабга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Савдода қатнашиш ва танлов ҳўжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин. Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй. Тел./факс: 24-72-79. Бир тўлаи танлов ҳўжатларининг нархи — 50 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталарни) савдо ташкилотчисига тақдим этилишини охириг муддати — оферталарни очилиш кuni ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқоридида курсатилган манзилда ўтказилади.

«Сизга ўхшагим келади, устоз!»

Болаларнинг орзулари ҳам ўзлари каби содда, самимий ва беғубор бўлади. Илк ҳарф ўргатган, илм олами сари етаклаган устозини дунёдаги энг буюк инсон деб ўйлаши ҳам, уларга тақдир қилишларию «Сизга ҳавасим келади, устоз» дея ижодий иш ёзишлари ҳам ўша самимийлик ҳосиласидир.

Янги замон одамлари

...Дамира болалигида ҳам шўх-шаддод қизалоқ эди. Тенгқурлари қўнғирқоч ўйнаётган бир пайта у болаларнинг йиғиб, «мактаб-мактаб» ўйнашни хуш кўрарди. Ва ҳаммаша ўқитувчи ролини бажарарди.

— Шу қизинг улғайса ўқитувчи бўлади-ёв, — деб кўярди Уринбой ака қизининг хатти-ҳаракатларини кузатаркан.

— Отаси журналист, онаси тарбиячи, қизи ўқитувчи бўлса нур устига нур бўлади-да! — Эрининг галини қувватларди Рузваной опа.

Ота-она дуоси бўлди, ёки қизнинг орзуси қатъий ниятга айландими, ҳар қалай Дамира ўрта мактабни тугаллагач, Фаргона педагогика институтига йўл олди. Ҳаш-паш дегунча талабалик йиллари ҳам орта олди. Унинг муамлилик фаолияти бошланди.

— Кечагидай эсимда, — дейди опа биринчи бор синф раҳбари, ўқитувчи бўлиб дарс бошлаган кунларини эсларкан. — Бағдод туманидаги 4-ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс бера бошладим. Икки-уч дарсдан сўнг, айрим ўқувчиларим мени бир-бирла-

ридан қизганишадиган бўлиб қолишди. Назаримда, бу ўқувчиларнинг эътирофи эди...

Аслида, энг сеvimли кишисини қизганиш болаларда кучли бўлади. Дамиранингни ўзи ҳам болалигида ўқитувчиси Анна Семёновнани ўзига яқин тутар, устозининг эътиборида бўлишни истарди.

Тумандаги 27-мактаб янги бинога кўчирилган, эски мактаб биноси «эга»сиз қолди. Уни маҳаллий раҳбарлар умумий йиғилиш қарори билан, ким ошди савдосига қўйишадиган бўлди. Йиғилишга 600 чоғли одам келди. Кимдир бу ерда тикувчилик цехи очилсин тақлиф этса, яна кимдир чойхона ташкил этажигани айтди. Хал қилувчи гапи эса туман халқ таълими мудираси Дамира Юсупова айтди.

— Қишлоқ, маҳалла учун гузар ҳам, тикувчилик цехи, хатто оталар чойхонаси ҳам керак. Бироқ, рози бўлсаларингиз биз ҳам ўз режамизни айтсак. — Дамирахоннинг ўзига хос мулоим овози ва қатъиятли сўзлари йиғилганларни хушёр торт-

тирди. — Агар қўллаб-қувватласаларинг туманда таълим олаётган 40 минг ўқувчининг иқтидорлилари учун янги турдаги мактаб ташкил этардик. Эртага бу ерда фидоилар камол топишади.

Тақлиф бир овоздан маъқулланди. Опанинг ташаббуси билан Олимпия захиралари махсус илмий-тадқиқот лицей-интернати дунёга келди. Ўтган ўқув йилида лицейни битирган 17 нафар қалдирғочнинг ҳаммаси грант асосида олий ўқув юртыга қабул қилинди.

Хикоямиз қаҳрамони Дамира Юсупова узоқ йиллар вилоят миқёсида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Бу орада Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битириб олим-агрономлик мутахассислигини ҳам эгаллади. Турмушга чиқиб, шириндан шакар уч фарзанднинг онаси бўлди. У туманининг иккинчи раҳбари бўлиб ишлаганида ҳам маориф соҳасига алоҳида эътибор билан қаради. Кези келганда маслаҳат берди, қўлидан келган ёрдамни аямади. Ўзи туман халқ таълими бўлими мудир бўлган пайта эса ишни таълим соҳасидаги ишловларни бажаришда бошлади. Тумандаги 11, 25-мактаблар



қўшимча ўқув бинолари қурилиши ҳисобига кенгайтирилди. 27,39-мактаблар эса янги бинога кўчиб ўтди. Барча мактабларда таълим жараёнлари қатъий назоратга олинди. Ўқитувчиларнинг ўз вазифасига бўлган масъулияти оширилди. Мактабларда спорт-соғломлаштиришга, болалар спортини ривожлантиришга эътибор янада кучайтирилди. Бу йил ёзда опанинг та-

шаббуси билан тумандаги боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари рўйхатга олинди. Қишлоқ фуқаролари йиғинлари ижтимоий ёрдам фондидан ана шу кўнгли ўқсик болалар учун дарслиқлар сотиб олиш борасидаги Д. Юсупованинг тақлифини туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Натихада янги ўқув йилида 1148 нафар болакай мактабга сумка тўла дарс-

ликлар билан кириб келди.

— Ўқитувчи ижодкор бўлиши керак, — дейди Дамира опа. — Яхши ўқитувчининг ижобий сифатлари бора-бора ўқувчиларига ҳам кўчиши тайин. Бундай фидоий инсонлар жуда кўп. Ш. Қосимов, З. Насриддинова, А. Халилов, Ё. Қундузова... Бу туман халқ таълими ходимларининг наشري «Маорифчи» газетасида ҳам ўз аксини топапти.

— Ҳам раҳбар, ҳам она, ҳам рафиқа бўлиш, ҳам элулус эътиборида туриш анча масъулият талаб қилса керак?

— Мен ҳар қандай вазиятда ҳам кўнига онамни бирров йўқлашга, уларнинг холдан хабар олишга вақт топаман. Бу менинг бурчим. Фарзандларимдан ҳам кўнглим тўқ. Бир ҳарбий хизматчи, иккинчиси иқтисодчи, кенжа фарзандим ҳали мактаб ўқувчиси. Келгусида у она касбини танлайдими ёки отаси каби шифокор бўладими, уни келажак кўрсатади.

Дамира опа хайрлашиш олдидан қўлига бир нечта варақ тутказди: «Бу ўқувчиларимизнинг иншолари, танишиб чиқинг». Варақлар эркин мавзуда ёзилган иншолар бўлиб, уларнинг сарлавҳалари «Сизга ўхшагим келади, устоз», дея номланганди.

Маъжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аъlochиси Дамирахон Юсупова ёш ўқитувчилар даврасида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Янги нашир

«ФАН — СПОРТГА»

журнали спортчилар ва мухлислар учун



Ҳукуматимиз томонидан соғлом авлодни тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш, аҳоли ўртасида оммавий спортни тарғиб этишга алоҳида эътибор берилётган. Бу борада олиб борилаётган ишлар, тарғибот-ташвиқот юмушлари юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам амалга оширилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жисмоний тарбия ва спорт билан ошно тутиши учун фақат бадантарбия, югуриш ҳамда шу сингари машғулотларни бажариш қифойа қилмайди. Бунда албатта, мураббийларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқларига амал қилинса, у янада кўп самара беради.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия институтининг «Фан-спортга» деб номланган янги илмий-амалий журнали катта аҳамиятга эга. Яқинда ушбу журналнинг нишона сони чоп этилди. Уни ўқиркансиз, спортнинг шунчаки машғулот эмаслигига яна бир қарра амин бўламиз. Мутахассисларнинг илмий мақолалари билан танишган киши спортнинг бола тарбиясида, соғлом авлодни жисмоний чинқишга жалб этишдаги аҳамияти юксак эканлигини англайди. Энг муҳими, журналдаги ўзбек ва рус тилларида чоп этилган мақолалардан мактаблардаги жисмоний тарбия дарсларида унумли фойдаланиш мумкин.

«Фан-спортга» журналининг нишона сониди шу йил Афинада бўлиб ўтган ёзи олимпиада ўйинларида катта ютуқларни қўлга киритган спортчиларимизнинг суратлари ҳам берилган. Уйлаймики, янги журнал спортга қизиққан ҳар бир юртошимиз учун айни муддао бўлди.

Максуд ЖОНИХОНОВ.

Кўргазма

Ижодкорга эҳтиром

Истеъдодли мусаввир Пётр Мордвинцевнинг номи санъат ихлосмандларига яхши таниш. Ижодкор бутун умрини халқимиз ҳаётини рангтаъсир асарларда муҳрлашга бағишлади ва бу нарсага баҳоли қудрат муяссар бўлди. Айниқса, унинг «Амур Темури», «Регистон», «Кўпқари» асарлари бу борада олиб борган изланишларнинг ёрқин самараси натижасида дунёга келди.

Ўзбекистон Бадиий академияси, юртимиздаги Рус маданияти ва Замонавий санъат марказлари Меҳр ва муруват йилида хайри ишга қўл урди. Улар бутун умрини тасвирий санъатга бағишлаган, марҳум Пётр Мордвинцев таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб унинг кўргазмасини ташкил қилдилар. Кўргазмада мўйқалам устасининг 100га яқин асарлари намойиш қилинмоқда.

«Риштон кўзагарлари»

Риштон қўлолчилиги Ўзбекистоннинг Фаргона водийсида пайдо бўлди ва ривожланди. Азалдан чинқиб келётган лойни қуйдириш санъатида риштонликлар ўзига хос ва ёрқин фазилат бағишладик, қўшни музофотларда ҳам бу юрт хўнармандлари яратган сопол маҳсулотлари ажралиб туради.

Риштон қўлолчилик мактаби ҳақида кўп гапириш мумкин. Бу мактабнинг 800 йиллик тарихга эга эканлиги ҳам юртимизда хўнармандчилик санъатининг ниҳоятда ривожланганидан далолатдир.

Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида «Риштон кўзагарлари» деб номланган кўргазмада уста кўзагарлар — Ашуралӣ Йўлдошев ва Қисанбой Ғанижонови-нинг ўзига хос ижод намуналари намойиш қилинмоқда. Кўргазма водий хўнармандларининг кечаги ва бугунги ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиши билан ҳам қимматлидир. С. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Азиз ватандошлар!

"Ўздунробита" компанияси бағлангани Рамазон ҳайити айёми билан мувофакбат этади ва ҳаммамизга саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик ва муваффақиятлар тилайди.

Омад ва шодлик донмо замғозимиз бўлсин!

www.uzdunrobita.uz | Хизматлар лицензиялаштирилган

«СОВУТГИЧ» ЁТХЖ

барча турдаги автомобиллар ички ёнув двигателларини совутиш учун мўлжалланган юқори сифатли

«АНТИФРИЗ» - ГА-39» НИ

чекланмаган миқдорда сотади.

Манзил: Тошкент ш., А.Икромов тумани, халқа йўли, сановат зонаси. «Равшан» автокорхонаси ичида жойлашган. **Тел: 47-53-45, 47-03-06.**

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш бўйича

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

2004 йил 26 октябрда ўтказилган танлов савдолари натижасига кўра, қуйидаги паст ликвидли давлат активлари (қазқи пакетлари) инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилган давлат активлари РЎЙХАТИ

№	Корхона номи	Манзили	Низом жамғармасидаги давлат активи, %		Инвесторнинг тақлифлари		
			Ҳами	Шу жумладан давлат улуши	Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик)	Инвестиция мажбуриятларининг ҳажми (млн. сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	Ўзодмаҳсулот ахборот ҳисоблаш маркази» ОАЖ	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз к., 36-уй	50	25	Фаолият турини сақлаб қолиш	55,1695	1
2	Ўзбекистон Республикаси видеомаркази» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-А уй	93,19	93,19	Фаолият турини сақлаб қолиш	41,0	0,5

Шунингдек, ҳудудий танлов комиссияси газетхонлардан уэр сўраган ҳолда, газетанинг 2004 йил 29 октябрдаги 225-сонида чоп этилган савдо натижалари тўғрисидаги эълонда «10 октябрда» сўзлари ўрнига «12 октябрда» сўзлари ўқилиши лозимлигини маълум қилади.

Маълумот учун телефонлар: 133-22-98, 133-39-57.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Хайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтакалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Булог'ина Г-968, 22129 нуқсадга босилади, ҳақий — 2 рубоқ. Об'ект устулда босилган.
Қозғоқ битичини А-2
Газета ИВМ компьютеризда тервалди ва операторлар Жамоид Топаев ва Бахловир Файзиев томонидан саҳифаланган.
Таҳрирхонада ҳажми 5 қоғоздан ибид материаллар қабул қилинмайди.
[П]-Тижорат материалли

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — Э. Болев.
Набатчи — С. Аъвар.
Муасхуҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. УЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5